

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қашқадарё вилояти божхона
бошқармаси бошлиғи, божхона
хизмати подполковниги



3.Турдалиев

2022 йил

Бажарувчи ташкилотни таилаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Қарши-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 29 июнданги 355-Ф сон Фармойишига асосан Давлат божхона қўмитасига бегараз ажратилган 200 дона контейнерлардан 4 донасини Тошкент вилоятидан Қашқадарё вилояти божхона бошқармасига, “Қарши-Керки” чегара божхона постига ҳамда “Қарши” темир йўл божхона пунктига олиб келиш, тушириш ва ортиш бўйича транспорт хизматларини кўрсатиш.

1.2 Танловнинг юқори қиймати – 30 000 000 (үттиз миллион)сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Хизмат бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмida илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси (бундан кейин “Бўюртмачи” деб аталади) –танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Бўюртмачи” манзили: Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар А.Навоий шох кучаси 3А-уй.

2.2. Танлов “Бўюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Бўюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатнишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакали талаблар кўйилади: ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларининг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомалла мавжудлиги хукукий лаёкат ва ваколатлар, танлов обьектига ўхшаш обьектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги малумотномалар.

Низом маблаги миқдори

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар, мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Бўюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим.

Техник кисм “Бўюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

Нархлар кисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни кўрсатган булиши керак.

4.4. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (бронуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф берини мумкин;

Такдим этилаётган хужжатларнинг хакиқийлиги ва маълумотларнинг хакқонийлигига тўлик жавобгар булади.

- таклифлар берини муддати тугагунга кадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли эълон килинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтириши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги маҳсус ахборот порталада жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлишади.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор қабул қилиш бўйича масъул.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакиқийлиги, тўғрилиги учун жавобгардир. Голиб иштирокчи аниқлангандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўринатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши мажбурдир.

6.4. Юкни етказиб берини жараёнида юзага келиши мумкин бўлган йўл транспорт ҳодисалари ҳамда юкка етказилган зарар хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қоплаб берилади.

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф берини муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин карор қабул қилишга хакли (таварни ишни, хизматни, ўзгартиришларга йўл кўйилмайди).

Бунда ушбу танловда таклифлар берини тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сиров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни тақдим этиш тўғрисида сиров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сиров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.